



“ТАСЛИҚЛАЙМАН”

Термиз шаҳар ҳокими  
Ҳриббосари

 М. Р. Тагаева

«21» «06» 2022 г.

## БУЮРТМАЧИ

Термиз шаҳар ҳокимлиги

Термиз шаҳар ҳокимлигининг “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан шаҳардаги хотин-қизлар ўртасида сўров ишлари бўйича анкета бланкаларини тайёрлашга доир энг яхши таклифларни танлаб олиш.

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

## Танлов ҳужжатларининг мазмуни

### Танлов иштирокчиси учун йуриқнома

Ушбу йуриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Термиз шаҳар ҳокимлигининг шаҳардаги аёллар дафтари юритиш бўйича ҳудуддаги хотин-қизлар ўртасида сўров ишларини олиб бориш бўйича анкета бланкаларини тайёрлаб берувчилар томонидан энг яхши таклифлар жалб этилади.
- 1.2 Танловнинг охириги киймати -50 000 000 (Эллик миллион) сўм  
Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.  
Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати –бўюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1 Термиз шаҳар ҳокимияти (бундан кейин–“Бўюртмачи”деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Бўюртмачи” Термиз шаҳар ҳокимлиги, почта манзили 190112 Ат Термизий кўчаси 5 уй  
Эл. Адрес: [Termizsh@umail.uz](mailto:Termizsh@umail.uz)
- 2.2 Танлов “Бўюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3 Танлов ЎЗРТХАБ [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) платформасида “Бўюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорга қуйидаги талаблар қўйилади:
- танлов предмети кийматнинг камида 20% миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
  - шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
  - танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
  - ўз кучлари билан илгари бажарган иш ҳажмлари туғрисидаги маълумотлар;
  - танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
  - низом маблағи миқдори.
- 3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди:
- кайта ташкил этилиш (ажратилиши қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.
- 3.5 Танлов иштирокчилари –талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мувожаат қилишга ҳақлидирлар.